

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.31.10.2019.Tib.93.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

НУРОВА ШОҲСАНАМ НОРПУЎЛОТОВНА

**СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛИТ ВА СУРУНКАЛИ БРОНХИТ БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ, ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШГА
МАЖМУАВИЙ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нурова Шоҳсанам Норпўлотовна

Сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан касалланган болаларда тиш-жағ аномалияларини ташхислаш, профилактикаси ва даволашга мажмуавий ёндашув 3

Нурова Шоҳсанам Норпулотовна

Комплексный подход к диагностике, профилактике и лечения зубочелюстных аномалий у детей с хроническим тонзиллитом и бронхитом 23

Nurova Shokhsanam Norpo'lotovna

Complex approach to the diagnosis , prevention and treatment of dentoalveolar anomalies in children with chronic tonsillitis and bronchitis 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.31.10.2019.Tib.93.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

НУРОВА ШОҲСАНАМ НОРПУЎЛОТОВНА

**СУРУНКАЛИ ТОНЗИЛИТ ВА СУРУНКАЛИ БРОНХИТ БИЛАН
КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИ
ТАШХИСЛАШ, ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ДАВОЛАШГА
МАЖМУАВИЙ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Tib435 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гаффоров Суннатullo Амруллоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Беленова Ирина Александровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

Муртазаев Саидмуродхон Саидиалоевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон миллий тиббиёт университети (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.31.10.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори

Н.У. Нарзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болаларда оғиз орқали нафас олиш - бурун тўсиғининг қийшайиши, шакли ва қаттиқ танглай ўлчамининг ўзгариши, тишлов аномалиялари ва юз суягининг ўсишдан орқага қолиши билан ўзаро боғлиқлиги асосланган. Статистик маълумотларга кўра «...тиш-жағ аномалияларининг тарқалиши стоматологик касалланишлар орасида кариесдан кейин иккинчи ўринда туради...»¹ Хорижий олимлар томонидан ўтказилган стоматологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики «... тиш-жағ аномалияларидан азият чекан болалар улуши 75%ни ташкил қилиб ўсиш тенденциясига эга...»². Тиш-жағ аномалияларининг тарқалишини баҳолаш ташқи нафас олиш фаолияти ва юз-жағ аъзолари морфологияси орасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини асослаш ва бир-бирининг фаолиятига таъсирини баҳолаш – замонавий ортодонтиянинг долзарб масалаларидан биридир. Шундай қилиб, бурун билан нафас олишни тўқима ва органларнинг адекват оксигенациясини қийинлаштирувчи, сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит сабаб бўлган, тиш-жағ аномалияларининг ривожланиш хавфи омилларининг коррекциясини аниқлаш ва бартараф этишга, улар асосида индивидуал профилактика дастурларини яратишга йўналтирилган тадқиқотлар аҳамиятли ва ўзининг ечимини талаб қилади.

Жаҳонда сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан касалланган болаларда тиш-жағ аномалияларини ташхислаш, профилактикаси ва даволашга мажмуавий ёндашишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада тиш-жағ аномалиялари ва уларнинг ривожланиш хавфи омиллари, сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан бир вақтда хасталанган болаларни ижтимоий-тиббий омилларини асослаш ҳамда ушбу аномалиялари мавжуд болалар ва ўсмирлар орасида нуқсонларнинг замонавий клиник-функционал баҳолаш тузилмавий мезонларини ишлаб чиқишдан иборат. Тиш-жағ аномалиялари мавжуд болаларда оғиз бўшлиғининг клиник жихатларини, тиш ва тишлов қатори нуқсонлари шаклланишида бурун-ҳалқум ва бронх-ўпка тизими патологияларини эрта ташхислашнинг аҳамиятини асослаш, сурункали нафас олиш тизими патологиялари билан бир вақтда кечаётган тиш қатори ва тишловдаги аномалиялари мавжуд болалар орасида нуқсонларни келтириб чиқарувчи механизмларни башоратлаш, ташхислаш ва самарали даволашни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва жаҳон андозалари талабларига мослаштириш негизида, иссиқ иқлим шароитида болалар орасида нафас олиш тизими нуқсонлари касалликларни камайтиришга қаратилган қатор вазифалар белгиланган бўлиб, бурларга:

¹ Гвоздева, Ю.В. Оценка функциональной системы дыхания у пациентов с зубочелюстными аномалиями // Стоматология детского возраста и профилактика. - 2019. – Т. VIII, 4(31). - С.36-38.

² Маккаев Х.М. Особенности клинических проявлений и осложнения хронических заболеваний лимфоидного глоточного кольца у детей / Х. М. Макаев // Российский вестник перинатологии и педиатрии. 2014. - № 1. – С. 28-32

«...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашда замонавий технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар иссиқ иқлим шароитида турли ёш гуруҳларидаги болаларда тиш қаторлар аномалияларини кескин камайтиришга, ташхислашда ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни янада такомиллаштириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мунтазам равишда олиб борилган тадқиқотлар тиш-жағ аномалияларининг даражасининг пасайиш тенденцияси йўқлигини кўрсатади. Қатор муаллифлар, мактаб болалари ўртасида тиш - жағ аномалияларининг тарқалиши ва таркибини тавсифлаш ўрганиб, ўсишнинг ёш динамикасини белгиладилар (Ю.В.Гвоздева, 2009). Болалар орасида ортодонтик касалланиш даражасининг юқори ва ҳар томонлама ўсиши шароитида, аҳолига бепул стоматологик ёрдам кўрсатиш бўйича давлат кафолатлари дастури доирасида, болаларга ортодонтик ёрдамни такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш ва патология даражасини мақсадли қисқартириш алоҳида аҳамиятга эга. Тиш - жағ аномалияларининг мавжуд болаларда асосий стоматологик касалликларнинг ривожланиш механизмини ўрганиш аҳамиятли: Биринчидан; охириги йилларда, болаларда тиш - жағ аномалияларининг частотасида ўсиш

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590- сонли Фармони

тенденцияси кузатилди, уларнинг тарқалиши 11,4% дан 71,7% гача тебраниб туриши шу нарса билан асосланадики, патологиянинг шаклланишида, ва тарқалишда юқори даражада барқарорлиги (О.Л. Мишутина, 2006) аёлларда ва болалардаги салоҳиятининг ёмонлашиши билан боғлиқлиги барқарорлигига патогенетик механизмларда намоён бўлади. Муаллиф (А.А. Зубов, 2009) фикрига кўра, инсон чайнаш аппаратида редукцион кузатиладиган ноодатий ўзгаришлар тиш - жағ аномалияларининг юқори даражада тарқалишида аҳамиятли сабабчи ҳисобланади.

Асосий стоматологик касалликларнинг юқори тарқалишини ўрганишдаги иккинчи аспект тиш - жағ аномалиялари муаммоси ҳисобланади. Муаллиф (Е.В. Ростокينا) маълумотларига кўра, тиш қатори аномалиялари ва тишлар жойлашувидаги аномалиялари мавжуд болаларда, атипик ретенцион пунктлар туфайли, тишларнинг кариес билан касалланиш частотаси 13,8% га ошади. Олим Г.Ю. Пакалнс (2009) ўтказган тадқиқотларида Латвияда мактаб болаларининг тўғри тишловга эга 14% ида маргинал пародонтдаги патологик ўзгаришлар билан бир вақтда тиш - жағ аномалияларининг кўрсаткичи - 30,9% кузатилган. Стоматологик касалликларнинг ўрганишдаги учинчи аспект: В.К. Леонтьев (2011) таъкидлашича тиш - жағ аномалияларига эга бўлган болаларда, профилактик тадбирларнинг самарадорлиги, тиш - жағ аномалияларининг кузатилмаган болаларга нисбатан, тахминан 2 марта кам кўрсаткични тасдиқлаши орқали ифодаланади.

Республикамызда болалар орасида стоматологик хизматни тизимли ташкиллаштиришга, мактабгача таълим ёшидаги болалар орасида тиш қатори ва тишлов аномалиялари касаллигини ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган илмий ишлар бажарилган (Д.М.Каримов, 2019). Кейинги 20 йил ичида турли ноқулай экологик ҳудудларда атроф-муҳит омилларининг болаларнинг тиш қатори ва тишлов аномалияларининг сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит касаллигининг таъсирини мавжудлиги ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган. Болаларда тиш қатори ва тишлов нуқсонининг сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит касаллиги оқибатида келиб чиқадиган иккиламчи асоратларни олдини олишга қаратилган даволовчи чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар кузатилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 02.2019 PhD 023-сон «Стоматологик ва жарроҳлик муолажаларининг ноинвазив услубларини жорий этиш» мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари режаси (2017-2021 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан касалланган болаларда тиш-жағ аномалияларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиш - жағ аномалиялари ва уларнинг ривожланиш хавфи омиллари мавжуд: сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан бир вақтда оғриган болаларни ижтимоий-тиббий ва замонавий клиник-функционал текшириш усуллари ёрдамида нуқсонларнинг тузилмавий мезонларини баҳолаш;

тиш қатори ва тишлов аномалиялари мавжуд болалар орасида оғиз бўшлиғи ҳолатини клиник –функционал жиҳатларини баҳолаш;

тиш - жағ аномалиялари шаклланишида бурун-ҳалқум ва бронх-ўпка тизими патологияларининг ўрни ва эрта ташхислашнинг аҳамиятини баҳолаш ва таклиф этилаётган комплекс даволашга қўшимча; организмдаги асосий патология учун ихтисослашган антиоксидант, антигипоксант ва иммун тизимга ижобий таъсир этувчи препаратларни қўллаш;

сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит патологиялари билан бир вақтда тиш қатори ва тишлов аномалиялари мавжуд болалар орасида нуқсонларни келтириб чиқарувчи механизмлар аҳамиятини инобатга олган ҳолда касалликни эрта башоратлаш, ташхислаш ва даволаш мажмуавий алгоритминини ишлаб чиқиш ва самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро шаҳрида доимий яшовчи 7-15 ёшдаги 371 нафар; улардан 359 нафар тиш - жағ аномалияси, 138 нафар сурункали бронхит ва тиш-жағ аномалияси кузатилган, бир вақтнинг ўзида 166 нафар сурункали тонзиллит ва тиш-жағ аномалияси аниқланган, 55 нафар болада соматик касалликлар қайт этилмаган, фақат тиш-жағ аномалияси мавжуд ва 12 нафар бола тўла соғлом болалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети болаларнинг тиш - жағ тўқималари; жумладан жағ суяклари, юз суяклари пародонт тўқимаси, оғиз бўшлиғи сўлаги, қони ва болалар ота – оналаридан йиғилган анамнез маълумотлар.

Тадқиқотнинг усуллар. Тадқиқотда клиник, антропометрик, цефалометрик, биокимёвий, функционал, аллергологик, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

мактаб ёшидаги ўқувчиларда юз – жағ аномалиялари ҳолатини тизимли баҳолашда, тиш–жағ аномалиялари тарқалиши, сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит патологиясида, тиш – жағ аномалияларининг учраши ва ташхислашда антропометрик, телерентгенологик, цефалометрик кўрсаткичларнинг афзаллиги исботланган;

сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан хасталанган мактаб ёшидаги болаларда тишлов ва тиш қатори аномалияларини ривожланиши ва шаклланишида суяклар таркибий ўзгаришлари, майда суяклар шаклланишидаги физиологик регуляциясини, тиш қаттиқ тўқималари минерализация жараёнинини бузилиши, пародонт тўқимаси патологияси, тизимли кариеснинг ривожланиши, маҳаллий тўқималарда тўқималар гипоксияси, липидлар перекис оксидланиши, протеаза фаоллиги ва оғиз суюқлигида гормонал ҳолат дисфункциясидаги салбий жараёнларнинг етакчи омил эканлиги исботланган;

сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан касалланган мактаб ёшидаги болаларда тишлов ва тиш қатори аномалияларини даволашда маҳаллий анъанавий ва комплекс даволаниш усулларига қўшимча равишда антиоксидант, антигипоксанти ва иммунитетни оширувчи дори воситаларини қўллашнинг аҳамиятлиги исботланган;

болаларда тишлов ва тиш қатори аномалиялари этиопатогенезида клиник, иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичлар натижасидаги ўзаро боғлиқлик омиллари, соматик касалликлар билан биргаликда тиш – жағ тизими аномалияларига сабабчи тўқима шикастланишини инобатга олган даволаш профилактик ва патология хавфини башоратловчи тизимли тартиб ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

болаларда сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит фонидида тиш – жағ аномалиялари патогенези хусусиятлари, сабабчи омиллар баҳоланган ва соматик касалликларнинг клиник кечиши даражалари фонидида, тишлов ва тиш қатори аномалияларининг ривожланиши ва шаклланишида боғлиқлик мавжудлиги амалиётда кўрсатиб берилган;

липидларни перикисли оксидланиши фаоллашуви, қаттиқ тўқималар минерализация бузилши ва иммунитет тизим гемостаз тизими кўрсаткичларининг бузилиши билан юз – жағ тизими аъзоларидаги гипоксик мезонларни тавсифидаги боғлиқлик татбиқ қилинган;

аномалия ва деформация ривожланиши хавфи омили мавжуд болалар гуруҳларида тиш – жағ тизими патологиясини маҳаллий даволаш воситаларига қўшимча равишда оксидланишга қарши, гипоксияга қарши, ҳужайра агрегантга қарши воситаларни амалиётда қўллашдаги янада самарали натижалар асосланган;

окклюзион-артикуляцион, функционал-морфологик ва эстетик талабларга жавоб берадиган алмашадиган ва доимий тишловда ортодонтик тиш - жағ ҳолатини самарали баҳолаш усуллари, аномалияларни эрта аниқлаш ва даволаниш муддатларини оптимизациялаш мақсадида, тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада текшириш материали ва беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, антропометрик, цефалометрик, биокимёвий, функционал, аллергологик, иммунологик ва статистик усуллар асосида сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан касалланган болаларда тиш-жағ аномалияларини ташхислаш, профилактикаси ва даволашга мажмуавий ёндашишнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиш қатори ва тишловдаги аномалия шаклланишида сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит

касалликларининг болаларда бир вақтда кечиши юз – жағ соҳасидаги патологиянинг оғир ва кескин кечишига олиб келиши клиник, морфофункционал, антропометрик, цефалометрик, биокимёвий, иммунологик ва микробиологик текширишда олинган натижа кўрсаткичлари билан асосли билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан бир вақтда тиш қатори ва тишлов аномалияси мавжуд болаларда патологик жараён оғир, кескин ва ўзига хос кечади. Тиш қатори ва тишлов патологик ҳолатларнинг келиб чиқиши ва шаклланишида оғиз орқали нафас олишда, патологиянинг шаклланишида иштирок этаётган тўқималарнинг меъёрий ўсишига салбий ўзгаришлар кузатилади. Сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит патологияси фонида тиш қатори ва тишлов аномалияси шаклланган болаларда даволаш-профилактика ишларини амалга оширишда умумий касалликларни инобатга олиш ва ҳар бир ёшда, патология турида ўзига хос ёндошув олиб борилишида тизимли ёндашиш самарали эканлиги изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан касалланган болаларда тиш-жағ аномалияларини ташхислаш, профилактикаси ва даволашга мажмуавий ёндашиш бўйича олиб борилган илмий натижалар асосида:

«Нафас йўли касалликлари асоратидан келиб чиқадиган тиш-жағ қаторлар нуқсонлари ва эндоген интоксикацияда патологик ҳолатларни ташхислаш» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 8н-д/384-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома нафас йўли касалликлари асорати натижасида юзага келадиган тиш-жағ қаторлар нуқсонлари эрта ташхислаш, ортондотик даволаш тизими тадбиқ қилиш имконини берган;

«Тиш-жағ қаторларнинг иккиламчи шакл бузилишларида сурункали тонзиллит ва уларнинг кечишини олдиндан баҳолаш алгоритми» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 8н-д/383-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мактаб ўқувчилари орасида тиш-жағ қаторларнинг иккиламчи шакл бузилишларида сурункали тонзиллит ва уларнинг кечишини олдиндан баҳолаш алгоритми ишлаб чиқиш ва тиш қаторлари ва тишлов нуқсонларини олдини олиш тартибини комплекс ёндошиувини тадбиқ қилиш имконини берган;

Сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан касалланган болаларда тиш-жағ аномалияларини ташхислаш, профилактикаси ва даволашга мажмуавий ёндашиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти Ғиждувон, Олот, Вобкент, Пешку туманлари тиббиёт бирлашмаларнинг стоматологик поликлиникалари амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 10 октябрдаги 8н-з/215-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши мактаб ўқувчилари орасида нафас йўли касалликлари асоратидан келиб чиқадиган тиш-жағ қаторлар

нуқсонлари ва эндоген интоксикацияда патологик ҳолатларни ташхислаш касаллик ривожланишини, башоратлаш ва касалликни олдини олиш орқали тиш қаторлари ва тишлов нуқсонлари камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги асослаб берилган, мақсад ва вазифалари аниқ белгиланган, тадқиқот объекти ва предметининг тавсифи келтирилган, тадқиқотнинг ЎзР фан ва технология ривожининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги аниқланди, ва амалий натижалари белгиланган, иш натижаларининг илмий ва амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиш маълумотлари, диссертация мавзуси бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилмаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болаларда юз-жағ тизими аъзоларининг тузилиши, шаклланиши, фаолиятида танадаги патологик омилларнинг ахамияти ва тиш жағ аномалияларининг тарқалганлик даражаси»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича адабий манбалар таҳлили батафсил баён этилган. Болаларда тиш-жағ нуқсонларининг келиб чиқиши, клиникаси, даволаш ва ташхислашда кенг қўлланилаётган усуллар, турли соматик касалликларда, жумладан сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит касалликларида тишлов ва тиш қатор нуқсонларининг келиб чиқиши, шаклланиши, клиникаси, даволаш усулларига тегишли бўлган охирги йилларда нашр этилган илмий тадқиқотлар тўғрисида фикрлар адабий таҳлил қилинган. Болаларда тиш қатори ва тишлов нуқсонларини, шунингдек соматик касалликлар фонида кечганда ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг янги услублари бўйича адабиётлар маълумоти ёритилган.

Диссертациянинг **«Болаларда тиш-жағ аномалияларининг тарқалганлик даражаси баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материаллари ва услублари, иш бажарилган хронологик доиралар, объектлар баён этилган. Тадқиқот объекти Бухоро шаҳрида доимий яшовчи 7-15 ёшдаги 371 болалар, шулардан 359

болада тиш-жағ тизими ва тишлов нуқсони, 138 болада сурункали бронхит билан тиш-жағ нуқсони кузатилди. Бир вақтнинг ўзида 166 болада сурункали тонзиллит билан тиш-жағ нуқсонлари ва тишлов нуқсонлари аниқланди. 55 та болада соматик касалликларсиз фақатгина тиш-жағ нуқсонлари мавжудлиги ва 12 та тўла соғлом болалар ўрганилган.

Болалардаги патологик ҳолатни баҳолашда мактаб ва ҳудуд стоматолог, педиатир ва терапевт мутахасислари билан биргаликда 359 болада анамнез, клиник-функционал, клиник-лаборатор ва уларнинг ота-оналарида анамнез йиғиш асосида ЖССТ томонидан қабул килинган Ортодонтик текшириш варақасига биз томондан олдимизга қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб ССВ томонидан 28.02.2018 йилда 7-қарори асосида тасдиқланган тиббий карта тўлдирилди.

Текширишда клиник - функционал, клиник – лаборатор, микробиологик ва иммунологик усуллардан фойдаланилди. Шуниндек; биометрик ва фотометрик; телерентгенограммометрия; ортопонтамаграмметрик; 3D-рентген текширишлар ўтказилган.

Статистик услублар. Ўрта арифметик миқдор, унинг ҳолати ва 95% эҳтимолдаги ишончли тафовутлар ҳисобланди. Бунда Windows - XP учун «STATISTICA V. 6.0» дастурлари тўплами ёрдамида амалга оширилди, бу хусусиятлар ўртасидаги муносабатлар Спирмена (R) корреляцион таҳлил усули билан ўрганилди. Фарқи $p < 0,05$ да статистик аҳамиятга эгаллиги инобатга олинди.

Диссертациянинг «**Тиш – жағ қатор ва тишлов нуқсони бор болаларда жинсига, ёшига боғлиқ ҳолда бир вақтда сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит кузатилиши ҳамда тиббий-ижтимоий сўров натижалари таҳлили**» деб номланган учинчи бобида 7-15 ёшдагилар орасида юз-жағ нуқсони турли даражадаги патологик ўзгаришлари мавжуд 359 нафар болалар текширилди; шулардан бир вақтда 166 нафар болада сурункали тонзиллит, 138 нафар болада сурункали бронхит билан касаллангани ва назорат гуруҳи сифатида 55 нафар болада юз-жағ тизими турли даражадаги нуқсони мавжуд бироқ тананинг бошқа аъзоларида патологияси бўлмаган болалар текширилди.

1-жадвалда кўриб турганимиздек текширилганларнинг 56,8% ва (204) йигит болалар ва 43,2% (155) ини қиз болалар ташкил этмоқда.

Текшириш жараёнида болаларда доимий тишларнинг чиқиши ва доимий тишловнинг шаклланиши даврини инобатга олиб 7-10 ва 11-15 ёш гуруҳларига ва жинсларга ажратилди.

Болалар орасида ортодонтик даволаш муаолажаларида албата оғиздаги кариес тишларни даволаш, нуқсонларни пломбалаш, тиш-милк чўнтагини караш ва тошлардан тозалаш, тиш милк чўнтагига пародонт бойламлар; метронидазол, тетрациклин ва хлоргексидин аралашмалари эритмаси, оғиз бўшлиғини кунига 2-3 маротабадан фурациллиннинг 1:1000 эритмаси билан чайиш, ва кейинги комплекс даволаш мақсадида иккинчи гуруҳга – 30 кишига шунга қўшимча равишда ВЕРТЕКС фармацевтик компанияси

томонидан ишлаб чиқилган милклар учун мўлжалланган прополис тутувчи «Асепта» гели берилди.


1-жадвал

Текширилган болаларда тиш қатори ва тишлов аномалияларининг кузатилиши (n=%), жинс кесимида

Гуруҳлар		Жинси	
		Эркак	Аёл
Сурункали тонзиллитнинг тишлов нуқсонлари (СТ+ТН)	(n=100)	46 (46%)	54 (54%)
Сурункали тонзиллитнинг тиш қатор нуқсонлари (СТ+ТҚН)	(n=66)	22 (33,3)	44 (66,4%)
Сурункали бронхитнинг тишлов нуқсонлар (СБ+ТН)	(n=100)	72 (72%)	28 (28%)
Сурункали бронхитнинг тиш қатор нуқсонлар (СБ+ТҚН)	(n=38)	12 (31,58%)	26 (68,42%)
Назорат тишлов нуқсонлар (ТН)	(n=32)	16 (50%)	16 (50%)
Назорат тиш қатор нуқсонлари (ТҚН)	(n=23)	10 (43,4%)	13 (56,5%)
Жами:	359	204 (56,8%)	155 (43,2%)

Текширилганларда тиббий-ижтимоий натижаларнинг таҳлили муҳокамаси махсус сўровномада болалар ота-онасидан олинган маълумотлар асосида текшириш давридаги болада, онанинг хомила давридаги саломатлиги тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб ўрганилди. Кўриб турганимиздек (1-расм) 38,4% болалар онасида ҳомиланинг 1-триместрида, 36,5% да 2-триместрда, 15,04% 3-триместрда патологик ўзгаришлар яъни умумий ва соматик касалликларни бошдан кечирган, 9,5% да касаллик аломатлари кузатилмаган.

Шунингдек, болаларнинг ота-оналаридан йиғилган маълумотлар асосида текширилаётган боланинг туғилганидан кейинги давридаги озиқланиш тури тиш қаторидаги тишлов аномалия сурункали тонзиллит билан оғриганлар орасида 60,24% (100) аниқланди. Аниқланган тишлов аномалияларини юз фоиз ҳисобида олсак, 7-10 ёшли болаларда 41% да, 11-15 ёшли болаларнинг 59% да кузатилди. Текширилган болалар орасида 19% дистал тишлов, 17% тескари тишлов, 16% протрузия, 15% юқори жағ тиш қаторининг торлиги ва 13% медиал тишловлар кузатилмоқда. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, ҳар иккала ёш гуруҳларида ҳам тишловдаги нуқсонлар; дистал, тескари, очик, чуқур, қийшик, медиал тишловлар, бипрогнатик, протрузия, пастки жағ тиш қаторининг торлиги ва юқори жағ тиш қаторидаги торлик каби аномалиялар сурункали тонзиллит билан оғриган қиз болалар орасида кўп учрашини кузатамиз. Шунингдек сурункали бронхит билан оғриганларнинг 72,5% (100) да тишлов аномалиялари кузатилиб, уларнинг 7-10 ёшли болаларда 95% да, 11-15 ёшли болаларнинг фақат 5% да патология кузатилди.



1-расм. Ҳомиладорлик даврида оналар саломатлиги муаммолари (триместр - сони.)

Текширилган болаларнинг 24% дистал тишлов, 12% чуқур тишлов 22% протрузия, 17% медиал тишловлар кузатилди. Бипрогнатия, қийшиқ тишлов иккала ёш гуруҳда ҳам, қолган барча патологик тишловлар 11-15 ёшли гуруҳда аниқланмади. Бироқ, 7-10 ёшли ўғил болалар орасида тишлов нуқсонлари сурункали бронхитли болаларда кўп учраши статистик ишонарли қайт этилди. сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит билан оғриган болалар орасида тиш қаторларидаги аномалиялар; сурункали тонзиллит билан оғриган болаларнинг 39,8% (66) тиш қаторидаги нуқсонлар аниқланиб; шундан 30,3% да дистопия, 41% да инфраоклюзия, 13,6% диастема ва 15,1% да супраоклюзия ҳолат ташкил этди. Тиш қаторидаги нуқсонларнинг 81,8% 7-10 ёшли болаларда, 18,18% ва 11-15 ёшдаги гуруҳларда кузатилди. Жинслар кесимида 7-10 ёшдаги ўғил болаларда патологик нуқсон кўрсаткичи нисбатан кўп кузатилди. Бронхит билан оғриганларнинг 27,53% (38) ида тиш қатори нуқсонлари кузатилиб; шундан 18,4% дистопия (2-расм), 67% инфраоклюзия, ўртача 10% дан диастема ва супраоклюзиялар аниқланди.

Сурункали тонзиллит билан оғриганларда Na-Perp to point, Mand.length, Max/length, Mand.toCranial Base, Lower I to Point A, Lower pharynx, FMIA, Facial angle, Angle of convexity, Mandibular plane to F.H plane, Y axis angle, Occlusal plane to F.H plane, I to I, I to Mandibular plane ўлчамларида назорат гуруҳдаги болалардаги ўлчамларга нисбатан статистик ишонарли фарқлар кузатилди.

Сурункали бронхит билан оғриганларда эса Na-Perp to point, Mand.length, Max/length, Mand.toCranial Base, Lower I to Point A, FMA, Facial angle, A-B plane to facial plane, Y axis angle, Occlusal plane to F.H plane, I to I, I to occlusal plane ва I to Mandibular plane ўлчамларда назорат гуруҳдаги болалардаги ўлчамларга нисбатан статистик ишонарли фарқлар кузатилмоқда. Морфологик меъёрга нисбатан солиштирадиган бўлсак сурункали тонзиллит билан оғриганларда Na-Perp to point, Mand.length, Length, Ant. fac. Ht, Upper I to Point A, Lower pharynx, FMA, FMIA, Z angle,

Facial angle, Angle of convexity, Y axis angle, Occlusal plane to F.H plane ўлчамларда сурункали бронхит билан оғриганларда эса; Na-Perp to point A, Mand.length, Length, Ant. fac. Ht, FMIA, IMPA, Angle of convexity, A-B plane to facial plane, Mandibular plane to F.H plane, Y axis angle, I to occlusal plane, I to Mandibular plane ўлчамларда статистик ишонарли натижалар қайт этилди.



2-расм. 3/3 тишларнинг дистопияси

Шунингдек, телерентгенограммада жағларнинг апикал базис муносабати, айниқса курак тишлар орасидаги муносабат бош суягининг асосига нисбаттан солиштирилганда юзнинг олдинги соҳаси суякларининг юзага силжиши аломатлари кузатилди. Масалан; нафас олиш йўлини чегараланиши симптоми сифатида сурункали бронхит ва сурункали тонзиллит билан бир вақтда кузатилган тиш-жағ нуқсони мавжуд болаларда юқори жағ тиш алвеоляр деворининг олдинга силжиши, юқори лаб, бурун деворлари қаттиқ ва юмшоқ тўқималарида хос бўлмаган ўзгаришлар, аллергия ҳолатини белгиловчи юмшоқ тўқимадаги ўзгариши каби аломатлар кузатилди.

Бурун-ютқун қисми ташкил этувчи понасимон ва энса суяклари ўсиқлари ўрта сагитал тексликга нисбаттан олинганда учбурчак шаклни ҳосил қилиши, олдинги юзаси орқа бурун ўқига қўшилиб кетадиган чизиқ ҳосил қилишини кузатишимиз мумкин. Бурун- ютқун суяк қисмининг ўсиши даврида сурункали бронхит ва сурункали тонзиллит касалликлари билан оғриганларда меъёрий шаклланишининг патологик ўзгариши кузатилади.

Сурункали тонзиллит ва сурункали бронхитли болаларда тиш қатор ва тишлов нуқсони мавжуд болаларда эндоген интоксикация даражасини баҳоланган. сурункали бронхит ва сурункали тонзиллит мавжуд болаларда тиш-жағ нуқсонларини ривожланиши ва шаклланишида танадаги эндоген

интоксикациянинг ўрни, қондаги кислород етишмовчилигини, маҳаллий ва умумий иммунитет тизимини ўрганишга аҳамиятини асослаш мақсадида олиб борилган текширишлар ўтказилди.

Тадқиқот натижаларида болалар орасида (2-жадвал) эндоген интоксикация: антистрептолизин-О (АСЛ-О) қонда стрептолизин бета-гемолитик стрептококкларга қарши антителалар мавжудлиги даражасини яъни стрептолизин-О инфекцияланган организмнинг ҳар қандай ҳужайраларида лизис жараёнини келтириб чиқариши ва шунингдек оқ қон ҳужайралари, эндотелиал ҳужайралар цитоксинларни ишлаб чиқариш учун фаоллаштириши кузатилди.

2-жадвал.

СТ ва СБ мавжуд болалар ва тиш - жағ аномалиялари бирга келганда периферик қондаги эндоген интоксикация синдроми параметрлари

Кўрсаткичлар ва бирлик	СТ ва СБ бўлган ТЖН мавжуд болалар. n=166	Фақат ТЖН мавжуд болалар. n=55
Серомукоид, Ед	0,35±0,02*	0,12±0,01
С-реактив оқсил, мг/л	9,78±1,04*	3,23±0,12
Антистрептолизин-О, МЕ/мл	298,47±11,31	119,25±8,52
Билирубин, мкмоль/л	13,24±0,93*	8,45±0,71
Мочевина, ммоль/л	4,32±0,28	3,72±0,24
Креатинин, мкмоль/л	78,12±5,31*	56,38±3,47
Сиал кислота, ммоль/л	1,61±0,12*	2,43±0,17

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Тиш-жағ аномалияси ва сурункали тонзиллит билан оғриган болаларда, бета-гемолитик стрептококклар стрептолизинга антителалар титри соматик патологияси бўлмаган болалар гуруҳига нисбатан 2,5 баровар кўпайган ва бу касалликнинг бирга келадиган – сурункали тонзиллит ва сурункали бронхит патологияларида полиэтиологик омилни акс эттиради. Оқсилларнинг ўткир фазасига сермукоид киради; тадқиқотларида тиш-жағ нуқсони ва сурункали тонзиллит мавжуд болаларда, фақат тиш-жағ нуқсони кузатилган болалар гуруҳига нисбатан 2,9 баравар кўп кузатилган. Микроорганизмлар ва шикастланган ҳужайра мембраналарига бириктирилган лигандлар билан сурункали бронхит комплекслари комплемент тизимининг каскадини классик ва алтернатив усулда фаоллаштиради. Тақдим этилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, тиш-жағ аномалия билан оғриган болаларда, сурункали тонзиллит билан биргаликда қон плазмасидаги реактив тўдалар миқдори, таққослаш гуруҳига қараганда 3 баровар юқори. Худди шу даврда текширилган болаларнинг, жигар ҳужайраларида бошқа қон

плазмасидаги оксиллар биринчи навбатда, албуминлар камайиши тавсифлидир. Олинган натижалар жигар ва буйраклар ҳолатини таҳлил қилиш, хужайрани йўқ қилиш пайтида чиқарилган ва тўқима иккиламчи зарар етказадиган, шунингдек аутоиммун тажовузини ингибор қилувчи протеолитик ферментларни ингибор қилиш хусусияти билан боғлиқ бўлган болалар организмнинг мослашув даражасини кўрсатади.

